



## Хамкорликнинг ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль рафиқаси билан бирга 13 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг  
асосий тадбирлари

# 14 ИЮНЬ

куни бўлиб ўтди.

14 июнь куни Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга давлат ташрифини амалга ошираётган Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёльнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёльнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль музокара-ларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль ўртасида бўлиб ўтган самарали музока-ралар якунлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг сал-моқли тўплами қабул қилинди.


Давлат раҳбарлари Алоҳида стратегик шериклиқни янада чуқурлаштириш ва ҳар томон-лама кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Давлат ташрифи доира-сида жами 17 та ҳужжат им-золанди.

Кўксарой қароргоҳида ўт-ган олий даражадаги музо-каралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот билан чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль Фахрий меҳмонлар хиббо-нида дарахт экидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Ён Сок Ёль Тош-кент шаҳридаги Технопаркка ташир буюрдилар.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ён Сок Ёль Ўзбекистон - Корея бизнес форумида иштирок этдилар.



# Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси фаолияти юзасидан брифинг ўтказилди

Инсон қадрлари ҳақида кўп гапи-рамиз. Асли бу нималарда кўринади? Қачонки, шу жа-мият фуқароси бирон идора оста-насида сарғаймаса, мурожаати сансалор бўлмай вақтида, ўрнида ечим топса, ҳақли эътирозлари қа-бул қилинса, меҳнати эъзизига му-носиб ҳақ олса унинг қадрлари юза-га чиқади ва бу ҳақда баралла айта олади.

Юртимизда инсон қадрини юк-салтириш ва эркин фуқаролик жа-миятини янада ривожлантириш бўйича белгиланган барча ис-лохотлар ҳам аслида мана шу ки-чик масалалардан бошланиб, халқимиз ҳаётини тубдан яхши-лаш, аҳоли фаровонлигини оши-риш ва унинг ижтимоий ҳимоя-сини кучайтиришга қаратилаёт-гани билан аҳамиятлидир.

Бу жараёнларда Ўзбекистон ка-саба уюшмалари ҳам фаол ишти-рок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисод-дий манфаатлари ва меҳнат соҳа-сидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш бо-

расида тизимли ишларни амалга ошириб келаяпти.

Ахборот ва оммавий коммуни-кациялар агентлигида ўтказилган брифингда бу ҳақда айтиб ўтилди. Ахборот хизмати раҳбари Муҳаб-бат Ўрмонбекова Федерация то-монидан меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оши-рилаётган ишлар тўғрисида батаф-сил маълумот берди.

Таъкидландики, касабаси уюш-ма аъзоларининг ҳуқуқ ва ман-фаатлари ҳимояси энг ав-вало, мамлакат миқёсида Вази-рлар Маҳкамаси, Касабаси уюш-малари Федерацияси ва Иш бери-увчилар Конфедерацияси ўртасида иж-тимоий-иқтисодий масалалар бўй-ича имзоланган Бош жамоа келиш-уви, шу асосда ишлаб чиқилиб, амал-га оширилаётган тармоқ ва ҳудуд-ий Келишувлар, бевосита корхона, ташиқлот ва муассасаларда эса иш бери-увчи ва касабаси уюш-ма қўми-таси ўртасида имзоланган Жамоа шартномалари орқали таъминлан-моқда. Шунингдек, иш бери-увчилар билан музокара-лар олиб бориш, за-рур бўлса, судларда ҳимоя қилиш

орқали ҳам таъминлаб келинапти.

Бунини мисоллар орқали тах-лил қилаётган бўлсак, ўтган йил да-вомида касабаси уюшмалари жа-смоний ва юридик шахслардан кели-б тушган 4834 та, хусусан, 2012 та ёзма, 656 та оғзаки, 1590 та ин-тернет тармоғи орқали электрон шаклдаги, 576 та «Ишонч теле-фон-лари» орқали келган мурожаат-лар, шу жумладан, 233 та жамоавий му-рожаатлар кўриб чиқилиб, меҳнат-кашларга амалий ёрдамлар кўр-сатилди.

Мурожаатларда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ман-фаатлар ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, касабаси уюш-ма ташиқлотининг ташиқлий-ҳуқуқий фа-олияти, санаторий ва соғломлашти-риш масалалари, моддий ёрдам ажратиш ҳамда ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид бошқа маса-лалар акс этган.

Касабаси уюшмалари томонидан уларнинг ҳар бирига эътибор қа-ратилиб, ходимлар ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш бери-увчиларга киритилган 121 та тақдимноманинг 91 таси қаноатлантирилиши нати-

жасида қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилишига эришилди.

Натижаларга кўра, 3 минг 410 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикла-ниб, меҳнаткашлар фойдасига 26 млрд. 30 млн. сўмдан ортиқ зарар пуллари ундириб берилди.

Жорий йилнинг дастлабки беш ойи якунлари маълумотларига на-зар ташласак, касабаси уюш-малари жа-смоний ва юридик шах-слардан келиб тушган 2115 та му-рожаат, жумладан, 88 та жамоавий мурожаат бўйича атрофлича ўр-ганиш олиб борилган. 607 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, хо-димлар фойдасига 3 млрд. 683 млн. сўмдан ортиқ зарар пуллари унди-риб берилган.

Меҳнаткашлар ҳуқуқлари ка-сабаси уюшмаларининг энг асосий эътибор қаратади-ган жиҳати экани маълум. Шу маъ-нода иш бери-увчиларга 30 та тақ-димнома киритилиб, музокара-лар олиб борилиши натижасида қо-нун бузилиши ҳолатлари бартараф этилганини қайд этиш лозим. Хо-димлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга даъво ва буй-

руқ тартибидеги аризалар кирити-либ, меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланди. Ҳайриқонуний равишда ишдан бў-шатилган ходимлар касабаси уюш-малари ташкилотлари ёрдамида ав-валги лавозимидаги тикланиб, маж-бурий проғул вақти учун жами 789 миллион 119 минг сўм ҳақ ундириб берилди.

Касабаси уюш-ма ташкилотлари то-монидан ходимларнинг иш ҳақлари ва ҳисоб-китоб пуллари олишда амалий ёрдам кўрсатилиши на-тижасида 2682 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига жами 26 миллиард 367 миллион 998 минг сўм ҳақ ундириб берилди.

Бундан ташқари бир қарашда «Юрт тараққиёти йўлида бир-лашайлик!» шиори остида фаолият олиб бориш ташкилот-нинг одатий ҳисоботи бўлиб кўрин-са-да, уларнинг ҳар бири ортида инсон қадрлари, шаъни, давлат ва жа-миятга ишончи турганини қайд этиш лозим, албатта.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА  
«ISHONCH»





Муносабат

Мустақилликка эришганимиздан сўнг деярли чорак аср мобайнида ҳаёт олдимизга қўйган жуда кўп масалалар ўз вақтида ҳал этилмасдан тўпланиб бораверди. Ҳолбуки, шу давр ичида юртимиз аҳолиси қарийб икки барбарга кўпайди. Аммо ишлаб чиқариш тармоқларида бозор механизмларини шакллантириш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш, миграция масалаларининг қонуний асосларини яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, пахта хомашёси етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш сиёсати каби масалалар тубдан қайта кўриб чиқилмади.

## ДАВР ОЛДИМИЗГА КАТТА ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар...

Шукрки, кейинги 6-7 йилда вазиятга ҳолис баҳо берилиб, ислохотлар кўлами ва моҳияти ҳам шунга монанд равишда амалга оширила бошлади. Бунини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифида ҳам айнан шунга алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, мулоқотларда олдимизга қўйилган вазифалар салоҳияти ва улғуворлиги, киритилаётган инвестициялар салмоғи ва географияси мутлақо ўзига хос характерга эга эканини ҳис этиш мумкин бўлди.

«Қорақўл» эркин иқтисодий ҳудудидида қуриладиган газ-кимё мажмуасида қиймати 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиб, табиий газдан 20 га яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, бу ерда 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши, темир-бетон қурувлар заводи қурилишига 58,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 400 нафардан ортиқ иш ўрни яратилиши – бу вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришда жуда катта истикболларни белгилаб бермоқда.

Коровулбозор тумани ҳудудидида Хитой инвестиция маблағлари ҳисобидан 400 миллион АҚШ доллари эвазига қуввати 500 мегаватт бўлган қуёш фотоелектр станцияси қурилиши, Ғиждувон ва Пешку туманларида Саудия Арабистони инвестициялари ҳисобидан қуввати 500 мегаватт бўлган шомол электр станциялари қурилиб, 2025 йилда ишга туширилиши ҳам вилоятнинг барча ҳудудларида улкан қурилиш ишлари олиб борилаётганидан далолатдир.

Сайёҳлик салоҳияти ва жозибадорлигини ошириш, уни иқтисодиётнинг реал секторига айлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро шаҳри марказида 500 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, тарихий этнографик сайёҳлик маркази, 228 миллион АҚШ доллари эвазига соатига 1200 нафар йўловчига хизмат қиладиган замонавий халқаро аэропорт қурилиши, Сомониёлар боғи ва унга туташ кўлни реконструкция қилиш ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, шаҳарнинг аэропортга олиб борадиган йўли бўйлаб 30 гектарга «Янги Ўзбекистон» боғи барпо этилади. Шаҳар ҳудуди қарийб 4 минг гектар майдонга кенгайтирилиб, янги аҳоли тураржой массивлари барпо этилади. Когон тумани ҳудудидида минг гектардан зиёд майдонда кичик саноат ҳудудини ташкил этиш эса тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Ҳа, шундай. Замон шиддат билан ўзгариб, олдимизга янги-янги талаблар қўймоқда. Бу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли равишда даражасини яхшилашга қаратилган бу истикболли вазифалар ижроси эса биз, фаоллар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мухаммадқосим ОЛИМОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Бухоро вилояти  
кенгаши раиси

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 йиллиги олдида

## КАСАБА УЮШМА ТАРИХЧИСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашида  
узоқ йиллар меҳнат техник инспектори бўлиб ишлаган Абдумуталлиб Қосимовга  
ҳамкасблари «вилоят касаба уюшмаси тарихчиси» дея таъриф беришади.

“Сўхбатдошимиз Абдумуталлиб Қосимовнинг айтишича, 1968 йил 1 январдан 107 минг нафар ишчи, муҳандис, техник ходим ва хизматчини бирлаштирган, 1230 та касаба уюшма бошлангич ташкилотига эга касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши қайта ташкил этилади.

тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мавжуд бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларини бирлаштириб, уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатиш ва раҳбарлик қилиш учун 1951 йилгача касаба уюшмалари кенгаши тузилмаган. Дастлаб навбатма-навбат вилоятда тармоқ касаба уюшмалари тузилган. 1942 йилда табиёт ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кўмитаси, 1948 йилда маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси, 1950 йилда қишлоқ ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси тузилган. Шу тариқа 1951 йил 17 ноябрда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташкил қилинган.

1952 йил 1 январда Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашига асос солинган. Амина Жумабоева тарихига 8 нафар ходимдан иборат жамоа ўз фаолиятини бошлаган тизим унча кўп вақт ўтмасдан 1960 йилда тугатилиб,

маҳаллий касаба уюшмаларига раҳбарлик Андижон вилояти кенгаши таркибига қўшиб юборилади.

Сўхбатдошимиз Абдумуталлиб Қосимовнинг айтишича, 1968 йил 1 январдан 107 минг нафар ишчи, муҳандис, техник ходим ва хизматчини бирлаштирган, 1230 та касаба уюшма бошлангич ташкилотига эга касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши қайта ташкил этилади.

Уша даврларда ҳозиргидек вилоят идоралари учун маъмурий бинолар ҳам йўқ эди. Шу сабабдан касаба уюшмалари кенгаши ходимлари гоҳ у ташкилот, гоҳ бу ташкилот бивоситада фаолият олиб борган.

– Бир вақтлар Андижон вилояти касаба уюшмалари таркибига қўшиб юборилган Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ривожланишида Андижондан ўн йиллар ортда қолиб кетган эди, – дея хотирлайди Абдумуталлиб ака. – Қайта таш-

кил этилган вилоят касаба уюшмалари ташкилоти раҳбарияти олдида Наманган халқининг фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ бир талай залворли вазифалар турарди.

Тизимнинг ривожланиши, унинг ҳукумат ва халқ назарига тушишида, аиникса, раҳбарнинг салоҳияти, тўғри танланган кадрлари ҳам кўп нарсга боғлиқ.

1951 йилдан то шу кунга қадар вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида ўнга яқин билимли, бошқарувчанлик қобилияти юқори бўлган раислар ишлаб, тизимнинг юқсалишига муносиб хисса қўшишган. Ҳозир улардан олти нафари орамизда йўқ. Вилоят касаба уюшмаларининг яқин тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 2004 йилдан 2011 йилларга қадар ташкилотга Пайзулла Паёзов раислик қилган бўлса, 2011-2017 йилларда Зулайхо Маҳкамова, 2017 йилдан 2021 йилга қадар Шўҳрат Мусаев ва айна пайтда Хасанбой Хожоев раислик қилиб келмоқда.

– Бугун вилоят меҳнаткашлари ҳаётида муҳим ўрин тутувчи бу тизимнинг обрўси ҳар қачонгидан ҳам юқсалаётганини нафақат мен, балки тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим эътироф этиши аниқ, – дейди Абдумуталлиб ака.

Орзуғул РУСТАМОВА  
«ISHONCH»

Юртимиз сиҳатгоҳларида

## ТАБИИЙЛИК ТАМОЙИЛИГА ТАЯНИБ...

«Хонқа» санаторийсида ҳар йили 2000 нафардан зиёд юртдошимиз мароқли дам олиб, руҳий ва жисмоний куч-қувватга тўлдилади. Ушбу сиҳатгоҳ юрак-қон томир, асаб тизими, гинекологик ва ҳаракат-таянч аъзолари касалликларини даволашга мўлжалланган.

Маъсаса Хоразм воҳасининг сўлим гўшаларидан бири, Амударёнинг энг катта ирмоқларидан бўлган Шовот канали ёқасида жойлашган. «Бальнеологик» курортлар сирасига қиради. 12 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда кейинги йилларда кенг кўламли кўкалламовлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада те-варак атроф муҳташам боғ ва дарахтзорга айланди. Эндиликда баланд тераклар, қалин арчалар ёз жазира-сида ҳам муътадил иқлимни сақлашга хизмат қилмоқда. Уларга ин курган қушлар сайроғи кўнгилларга жўшқин-лик бахш этипти. Кишки боғда эса хурмо, пальма, банан, фikus, лимон ва бошқа субтропик ўсимликлар ва гуллар санаторийга ўзгача чирой бағишлаб турибди.

Шифо масканида амбулатор ва стационар шараитда неврология ва гинекология йўналишларида ташхислаш, маслаҳат ва консерватив даво, физиотерапия, ультрато-вуш ва клиник лаборатория диагностикаси ихтисослик-лари бўйича тиббий хизмат кўрсатилади.

– Бизнинг барча муолажаларини табиийлик тамойи-лига таянган, – дейди бош шифокор Шўҳрат Собиров. – Айтайлик, 785 метр чуқуриқдан чиқаётган минерал сув юрак-қон томир, суяк таянч, неврологик ва гинеко-логик касалликларни даволашга ёрдам беради. Чуқурда ишлайдиган насос орқали олинувчи юқори термалли, минерализацияланган, натрий хлоридли, йод-бромли сув санаторийнинг асосий табиий даволаш омил-и саналади. Сув билан даволаш бўлимида бир кунда 50 та ванна муолажаларини ўтказиш мумкин.

Йод-бромли ванналар қон айланишини, модда алма-шинувини яхшилайдиган, углевод ва ёлғарнинг парчала-нишини тезлаштиради, асаб тизимини тинчлантиради, им-мун тизимини мустаҳкамлайди, тери касалликларини да-волаб, шомоллашларда фойда қилади. Бу сув соф ден-гиз сувига тенглаштирилган.

Санаторий даволаш-соғломлаштириш самарадорли-гини ошириш мақсидида жаҳон андазалари талабла-рига жавоб берадиган замонавий диагностика ва даво-лаш ускуналари билан жиҳозланган. Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Лимфадренаж», «Нугабест», ЭКГ, «Видеоконьпоскоп» ва бошқа тиббий асбоб-ускуна-лар билан таъминланган. Физиотерапия бўлимида УТТ, электрофорез, чирокли ванна, магнит, УВЧ, лазерли те-рапия, аэзоли терапия, кедрли бочка, даволовчи тиббий физкультура, массаж, фито ва диетотерапия кенг қў-лланмоқда.

Дам олувчи ва даволанувчилар учун санаторий ҳуд-дида терренкур ва сайилгоҳлар ташкил қилинган. Бизга ҳамроҳлик қилган шифокор Гўзал Матёкубова терренкур-нинг фойдасини соддагина қилиб тушунтириб беради.

– Бу шунчаки пиёда юриш эмас. Терренкур, табиятда

Санаторийдаги янги бир му-олажа скандинавияча юриш машқларидир. Бундай юриш тананинг барча мушаклари тонусини таъминлайди, гав-дани тик туттишга ёрдам бе-ради, гўёки елкангиздан 30 кило юк олингандай бўлади. Бу эса юрак-қон томир фао-лиятини ҳам яхшилайди.



рини тиклашади. «Аёллар дафтери», «Темир дафтер»га кирган ёлғиз, боқувчисини йўқотган ҳамда ватанимизга садокатли фарзанд тарбиялаб воғна етказган ибратли аёллар, фидойи ўқитувчилар касаба уюшмалари томо-нидан ажратилган бепул йўланамалар асосида соғлом-лаштирилмоқда. Турли байрам саналарида санаторийга яқин ҳудуд – Қирқкёп қишлоғида истикомат қилувчи но-гиронлиги бўлган, ҳам таъминланган ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёр-дамлар кўрсатилади.

Умуман олганда, ортиқча маблаг сарфламасдан, ўз соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш истаги-даги юртдошларимиз учун «Хонқа» санаторийси айнаи муддаодир.

Энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ушбу санаторий учун 200 ўринли янги бино барпо этилгандир. Бу ерда айнаи кунларда сўнгги таъмирлаш ва пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Яқин ойларда фойдаланишга топширилиши кутилаётган янги бино энг сўнгги русумда жиҳозлан-моқда. Янги бинога 850 метр чуқуриқдан йод-бромли ва бошқа минералларга бой шифобахш сув тортилган. Бу ерда жаҳон андазалари даражасида хизмат кўр-сати имконияти яратилмоқда. Албатта, бу ҳақда кейинги мақолаларимизда батафсил хикоя қиламиз.

Мухаббат ТўРАБОЕВА  
«ISHONCH»





**УЗЛАРИДЕК  
САМИЙ,  
УЗЛАРИДЕК  
БЕҒУБОР**

**Тахиятош туманидаги «Айдин жол» болалар дам олиш оромгоҳида «Болалар мажбурий меҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятимизни бажарайлик!» шиори остида тадбир ташкил этилди.**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан ўтказилган анжуманда мамлакатимизда болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳусусида сўз борди.

Тадбир давомида ташкилотчилар томонидан шахмат-шашка, стол тенниси мусобақаси, расм чизиш бўйича танловлар ўтказилиб, ғолиблар диплом билан тақдирланди.

Биринчи мавсумда 125 нафар болажонни ўз бағрига олган мазкур оромгоҳда «Ёш рассомлар», «Чевар қўллар», «Шахмат-шашка», «Компьютер саводхонлиги» сингари тўғрақарл йўлга қўйилган. Киска фурсат ичида бир оила фарзандларидек бўлиб қолган ўғил-қизларнинг бу ердаги ҳар куни мазмунли, ҳар куни мароқли ўтмоқда. Қувонарлиси, тарбиячи опаларининг илқ меҳри, ошпазларнинг витаминга бой таомларидан қувватга тўлаётган истикбол эгалари турли қўнғилочар ўйинлар, мусобақаларда ўзларини қайта кашф қилмоқда.

– Бу ерга биринчи марта келишим, – дейди бўзатовлик Ақмаржан Максетбаева. – Тезда дўстлар орттирдим. Келгуси йил худди шу масканга келишни ният қиляман.

– Китоб ўқиш жону дилим, – дейди Қораў-  
зак туманидан келган Ойдўс. – Шу боис кел-  
ган кунимок, кутубхонага йўл олдим. Ай-  
ниқса, ҳайвонот оламига оид китоблар мутو-  
лааси тасаввурларимни янада бойитмоқда.

Болаларнинг дил сўзлари ўзларидек самимий, ўзларидек беғубор. Касаба уюшмаси томонидан махсус тайёрланган футболка ва кепкалар эса болажонларга жуда ярашиб турарди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**  
«ISHONCH»



**Қутлов**

**МУАССИС:**



2007-yil  
11-yanvarda  
O'zbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida 116-raqam  
bilan ro'yxatga olingan

«Ishonch» va  
«Ishonch-Доверие»  
gazetalari  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(*tahrir hay'ati raisi*),  
Ulug'bek JALMENOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIROMQULOV,  
Nodira G'OYIBNAZAROVA  
Anvar QULMURODOV  
(*Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosi*),

**Mehridin SHUKUROV**  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
**Valentina MARSENYAK**  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doveyue»)

Bosh muharrir  
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi –  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati –  
(+998-99) 889-98-02  
Samarqand viloyati –  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati –  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:**  
A. Abdurahmonov

**Musahhihlar:**  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –23:50**  
**Topshirildi – 00:20**

### Bahosi kelishilgan narxda

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 129 ta**  
**Shundan:**

**7 394 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
boshqaruvi ostida –  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi,  
41-uyda;

**19 249 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ  
bosmaxonasi -  
Samarqand shahri,  
Spitamen ko'chasi,  
270-uyda;

**8 486 nusxasi**  
«Poligraf-Press»  
MCHJ bosmaxonasi –  
Marg‘ilon shahri,  
Turkiston ko‘chasi,  
236-«b» uyda  
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
**Buyurtma 326**

1 2 3 4 5 6



Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

# QURBON HAYITI

muborak bo'lsin!

[www.brb.uz](http://www.brb.uz)



1254

 **Заковат**

**БАХСГА  
БОЙ ҮЙИН**

**«Худудгаз Жиззах» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Заковат» интеллектуал уйини ўтказилди.**

Унда барча туман ва шаҳар ҳақ таъминоти бўлиқлари ходимларидаги иборат 9 та жамоанинг зуккулоники синовдан ўтказилди. Икки соат давом этган ўйин кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Бериладан 20 та саволдан энг кўп тўғри топганлар ғолиб, дея эътироф этилди.

Якуний натижаларга кўра, «Хулудгаз Жиззах» ҳақ таъминоти филиали жамоаси учинчи, «Фориш тумангаз» ҳақ таъминоти жамоаси иккинчи ўрин билан мукофотланган бўлса, биринчилик «Галлаорол тумангаз» ҳақ таъминоти бўлимига насиб килди. Ғолиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

**Кўлдош ҲАСАНОВ,**  
«Худудгаз Жиззах»  
з таъминоти филиали  
бошланғич касаба  
уюшма раиси

Хомидов Бахтиёржон Усманович номига 12.05.2005 йилда берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи №03-01/9568 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.